

Дунё руҳий маданиятга муҳтож



11:10 / 04.11.2018 2029

Бугунги кунда дунё руҳий маданиятга муҳтождир. Олам моддий тараққиёт таъсири остида ўзининг баркамоллигига эришди, деган фикр охирги 30 йил ичида чипакка чиқди. Бу асрда эришилган моддий тараққиёт кишиларни саодатга эриштириш йўлида ўз самарасини бермади. Аксинча, инсониятга бадбахтлик ва вайронагарчилик келтирган иккита жаҳон урушига сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда ҳам кучлилар кучсизларга ўз ҳукмини ўтказишга уриниб келмоқда. Бир тоифа иккинчисини ёмон кўришда давом этмоқда. Шу ва шунга ўхшаш кўпгина нарсалар руҳий бойликларга эга бўлмаган ёлғиз моддий тараққиёт касодга учрашини яққол кўрсатиб турибди. Буюк ҳинд шоири Рабиндранат Тагор моддий маданиятни танқид қилиб, унга руҳий маданият қўшилмаса, фойдаси йўқлигини таъкидлаб ўтишдан аввал ўз шогирдларидан бирига қуйидаги сўзларни айтиб, ёздириб қолдирган эди: «Илмий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар табиатдаги нарсаларни яхшилаши, сайқаллаши мумкин, лекин инсонни ҳеч нарса қила олмайди. У нарса кишига руҳий камолотга эришиши учун йўл кўрсатиб бера олмайди. Чунки менимча, руҳий камолот моддий тараққиётга боғлиқ нарса бўлмай, бизнинг қалбларимиздан жой олган нарсадир. У моддий жиҳатдан қолоқ халқларда ҳам, тараққиётга эришган халқларда ҳам бир хил бўлади. Шундай экан, қўлимиздан келганча руҳий нарсаларни изламоғимиз керак.

Биздан аввал ҳам кўпчилик кишилар бу ҳақиқатга эришганлар, руҳий камолотда тимсол бўла олганлар. Агар уларда биздагичалик илм ва моддий тараққиёт бўлмаса ҳам, улар тарбия ва мулоҳаза йўли билан улкан руҳий тараққиётга эришдиларки, бу тараққиёт кейинчалик ўзининг буюк самараларини берди. Улар эришган нарса нима эди? Бу нарсалар яхшилик, муҳаббат, бировни ўздан юқори қўйиш, фидокорлик каби фазилатлар эди. Шу нарсаларга эришганимизда, қалбимиз тинч бўлиши, кишилар ўртасида дўстлик, биродарлик ҳукм суриши учун ҳеч қандай қонун ёки тузумга муҳтож бўлмас эдик. Энг ажабланарлиси шундаки, ҳозирги кунда маданиятимиз тараққиётга эришиш учун қонун ва тузумларни ислоҳ қилишга уринади, лекин руҳий қувватга суянишга ҳаракат қилмайди. Менимча, болаларимизга электр токининг фойдаларига қўшиб, ўзаро муҳаббатнинг фойдаларини, кўмир ва темирнинг манфаатларига қўшиб, очиқкўнгиллик ва раҳмдилликнинг ман-фаатларини ҳам ўқитмоқ даркор. Бошқача қилиб айтганда, улар ўқиётган илмларга абадий қоладиган руҳий сифатларни ҳам қўшиб юбормоқ лозим. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эриша олмаймиз».

Бошқа динлардаги руҳий низомлар

«Ислонда руҳий низом қандай?» деган саволга жавоб беришдан аввал бошқа динларда бу масалага қандай қаралишини қисқача эслаб ўтайлик. Уларда «руҳ билан жасад доимо келишолмай юради» деган фикр бор. Шунинг учун ҳам уларнинг эътиқодича, руҳ билан жасад ёнма-ён туриб тараққиётга эриша олмайди. Жасад руҳ учун қамоқдир. Дунё ишлари, унинг лаззатларидан баҳраманд бўлиш киши руҳини кишанлаб қўядиган ёмон нарсалардир. Шу фикр натижасида улар руҳий йўлни моддий йўлдан ажратишда моддий нарсани устун қўйганлар. Руҳни устун қўйганлар эса уни тараққий эттириш учун турли йўллари ахтариб, дунёвий ишлардан четда қолганлар. Улар «руҳни ривожлантираман» деб, жасадни қийноққа солганлар, ўзларига баданни қийновчи турли машқларни ихтиро қилганлар: баъзилари овқат ейишни қисқартирганлар, бошқа бирлари эса баданларга оғир бўлсин деб, темир занжирларни осиб юрганлар. Ҳаттоки мих устида ўтирадиган ёки ётадиганлари ҳам бор. Христиан дини таркидунёчилик дини бўлиб, жасадни қўйиб, эътиборни фақат руҳга қаратган.

“Иймон” китобидан